

ХАМКОРЛИК ШАРТНОМАСИ № 7-ДС

« 31 » 01 2022 йил

Фарғона ш.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилувчи **Фарғона вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси** номидан бошқарма Устави асосида иш юритувчи бошқарма бошлиғи О.Назиров биринчи томондан ва иккинчи томондан «Пудратчи» деб юритилувчи **Бағдод туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси** номидан корхона Устави асосида иш юритувчи корхона директори Б.Аминов аниқ манзил ва йўл ишлари рўйхатида тасдиқланган 26 км узунликдаги умумфойдаланувдаги давлат аҳамиятидаги автомобил йўллари сақлаш ишларини амалга ошириш бўйича пудрат шартномасини туздик.

I. Умумий бўлим.

Пудратчининг мазкур шартнома шартлари асосида автомобил йўллари сақлаш, таъмирлаш ва хизмат кўрсатадиган давлат аҳамиятидаги автомобил йўллари – 26 км.

II. ШАРТНОМА МАКСАДИ.

2.1 «Буюртмачи» **Фарғона вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси** пудратчи **Бағдод туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси**га 26 км давлат аҳамиятидаги умумфойдаланувдаги автомобил йўллари ва улардаги иншоотлар йўл жихозлари ва унинг барча мол-мулкни Ўзбекистон Республикасининг «Автомобил йўллари тўғрисида»ги қонунининг 8-моддасига асосан сақлаш, таъмирлаш, ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда йўл хизмати кўрсатиш учун топширади. «Пудратчи» эса корхона Уставида унга берилган ваколатлар доирасида мазкур шартнома мажбуриятларни бажаришни ўз зиммасига олади ва йўл хизматининг Автомобиль йўллари Қўмитаси олдидаги мажбуриятлари тўғрисидаги ижро ҳужжатларига қатъий риоя қилади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ ВА МУДДАТИ.

3.1 Шартнома баҳоси «Корхона» нинг 2022 йил тасдиқланган йўл ишлари чекланган харажатлар сметаси ва лойихавий смета ҳужжатларида кўрсатилган 136 835 700 сўм (Бир юз ўттиз олти миллион саккиз юз ўттиз беш минг етти юз сўм) ҳажмини ташкил этади.

3.2 Мазкур шартноманинг амал қилиш муддати 31 декабр 2022 йилгача.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ .

4.1 Пудратчи автомобил йўлларида фойдаланишнинг барча тармоғида ва сунъий иншоотларида (тоннелларда) транспорт воситаларини хавф-хатарсиз ҳаракатланиши узлуксизлигини таъминлаш;

Бириктирилган автомобил йўллари тармоғини сақлаш хизматини доимий равишда узлуксиз иш ҳафтаси асосида ташкил этиш, ҳар кунги қатновни, йилнинг ҳар қандай фаслида транспорт воситалари ҳаракат хавфсизлигини тўлиқ таъминлаш;

Автомобил йўлларида барча қисмида қатнов ҳолатини доимий сақлаш учун комплекс ишларини тез ва сифатли бажариш.

Табиий офат, авария ва бошқа фавқулодда ҳолатлар юз берганда йўллардаги транспорт ҳаракати вақтинча тўхтаганда, тезда уни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш;

Бириктирилган автомобил йўллар тармоғи ва ундаги сунъий иншоотларда (тоннел) доимий равишда назорат олиб бориш, йўл тармоғи тўғрисидаги йиғиладиган барча маълумотлар захирасини яратиш;

Бириктирилган автомобил йўлларида кундалик кўрикни ташкил этиш, кўрик журналларида аниқланган нуқсонларни ёзиб бориш ва доимий равишда ҳаракат қатнови жадаллигини ҳисоблаб бориш;

Йўлларни сақлаш ишларини эстетик ва экологик меъёрларга қатъий амал қилган ҳолда бажариш;

Бириктирилган автомобил йўллари тармоғини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг истиқбол концепциясини ишлаб чиқиш;

Автомобил йўллари сақлаш ва таъмирлашда маблағ воситаларини ишлатилишини доимий таҳлилини амалга ошириб бориш;

4.2 Пудратчи автомобиль йўлларида тасдиқланган смета ҳужжатлари асосида сақлаш ишларини сифатли қилиб бажариб, «Буюртмачига»га белгиланган тартибда тегишли ҳужжатлар асосида топширади;

4.3 Бириктирилган автомобил йўлларида бажарилган сақлаш ишларига лойиха смета ҳужжатларига асосан йўналтирилган маблағларни мақсадли сарфланишига жавобгардир.

4.4 Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузишни «Буюртмачи» нинг ёзма равишда рухсати билан амалга оширади.

4.5 Сақлаш ишларини бажариш даврида техника хавфсизлиги, атроф мухитни, йўл минтакасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш;

4.6 Ўзига бириктирилган умумфойдаланувдаги автомобил йўлларида ва ундаги сунъий иншоотларда унинг айби билан бажарилиши лозим бўлган ишлар бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги натижасида келиб чиққан оқибатлар учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

V. БУЮРТМАЧИНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ .

5.1 «Буюртмачи» шартномада кўрсатилган ишлар бажарилиши устидан қурилиш меъёрлари ва қоидалари асосида доимий назоратни, мазкур шартномада кайд этилган «Пудратчи» томонидан умумфойдаланувдаги автомобил йўлларини сақлаш бўйича мажбуриятларни назорат қилиш ва пудратчидан бажарилган ишларни белгиланган муддатда қабул қилишни таъминлаш;

5.2 «Пудратчи» нинг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

5.3 Тасдиқланган смета харажатларига биноан «Пудратчи»га Молия вазирлиги маблағ ажратгандан сўнг аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

5.4 Сақлаш ишларини сифатли бажарилишини ва бажарилган ишларни қабул қилиб олиш учун ўз вакилини яъни техник назоратчисини белгиланган ишларни қабул қилиш муддатларида қатнашишини таъминлаш;

5.5 Автомобил йўлларини тасдиқланган лойиха-смета хужжатларига асосан сақлаш ишларига йўналтирилган маблағларни сарфланишини қатъий назорат қилиш.

VI. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР.

6.1 «Буюртмачи» «Пудратчи»га шартнома бўйича Вазирлар Махкамасининг 2020 йил 5 май кунги 123-сонли қарорининг 33 бўлими б бандига асосан умумфойдаланувдаги автомобил йўлларини сақлаш ишларини молиялаштириш режалаштирилган ойлик хажмнинг 40 фоиз миқдорида аванс маблағи билан (Молия вазирлиги томонидан аванс маблағи ажратилгандан сўнг Республика ғазначилиги орқали хар ойнинг 15-кунига қадар) таъминлайди.

6.2 Жорий молиялаштириш, бажарилган ишлар сифати текширилгандан сўнг, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ бажарилган ишларнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 60 % гача доирасида амалга оширилади. Бунда «Буюртмачи» ва «Пудратчи» ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қилиш «Буюртмачи» томонидан ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

6.3 «Буюртмачи» мазкур шартнома бўйича ўз зиммасидаги мажбуриятларини бажармаса, шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида «Пудратчи» бу ҳақида конун хужжатларида белгиланган тартибда «Буюртмачи»ни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда «Буюртмачи» «Пудратчи» томонидан бажарилган ишларни тегишли тартибда расмийлаштирган бўлса, бажарилган иш учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

6.4 «Пудратчи» мазкур шартнома бўйича ўз зиммасидаги мажбуриятларини бажармаса, шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида «Буюртмачи» бу ҳақида конун хужжатларида белгиланган тартибда «Пудратчи»ни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда бажарилган иш учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

6.5 Томонларнинг бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда айбдор томонга Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни 25-32 моддаларида назарда тутилган жарима санкциялари қўлланилади.

VII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ .

7.1 «Буюртмачи» сақлаш ишларини сифатли қилиб бажарилиши ва бажарилган ишларини қабул қилиб олиш учун ўз вакилини – техник назоратчини буйруқ асосида тайинлайди, у «Буюртмачи» номидан бажарилаётган ишлар сифати устида техник назоратни амалга оширади, шунингдек, «Пудратчи» томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб–ускуналарнинг шартнома шартига ва меъёрий хужжатларига мувофиқлигини текширади.

7.2 Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўлиқ танишиш ҳуқуқига эгадир.

7.3 “Пудратчи” техник назоратчини бажарилган ишларини қабул қилиб олиш учун иш жойига бориши ва келиши учун транспорт воситаси билан таъминлайди. Техник назоратчи “Пудратчи” томонидан автомобил йўллари ҳолати бўйича ишларни амалга ошириш жараёнида пайдо бўладиган масалаларни ҳал қилиш учун техник кенгашига таклиф киритади, йигинларда мунтазам катнашади.

7.4 “Пудратчи” мазкур шартноманинг 4-бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режа ҳамда жадвалига биноан ишларини бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

7.5 “Пудратчи” объектда ишларни олиб бориш даврида давлат архитектура ва қурилиш назорати органлари томонидан белгиланган чоралар тўғрисида “Буюртмачи”га маълумот беради ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

7.6 “Пудратчи” алоҳида маъсулиятли конструкциялар ва ёпилиб кетадиган ишлар тугалланишига қараб уларни тугалланишидан олдин “Буюртмачи” ни ёзма равишда хабардор қилади.

7.7 Агар ёпилиб кетадиган ишлар “Буюртмачи”нинг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда “Пудратчи” “Буюртмачи”нинг кўрсатмасига мувофиқ ёпилиб кетадиган ишларни исталган қисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

7.8 Агар “Буюртмачи” томонидан “Пудратчи” ва унинг суб пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқланса, у ҳолда “Пудратчи” ўз кучлари билан таъмирлаш ишлари қийматини оширмаган ҳолда ушбу ишларни таъмирлаш учун келишилган муддатда сифатли қилиб қайта бажаришга мажбурдир.

7.9 Ишлар бошланган пайтдан улар тугаллангунга қадар “Пудратчи” ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, “Буюртмачи” ва “Пудратчи”нинг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар акс эттирилади.

7.10 Агар “Буюртмачи” ишларни бориши ва сифатидан ёки “Пудратчи”нинг қайдларидан қониқмаса у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

7.11 Сифатсиз бажарилган иш ҳажми “Пудратчи”нинг хисобидан қопланади ва аниқланган зарар “Пудратчи”дан ундирилади.

VIII. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧЛАР (ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР) .

8.1 Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари, бошқа енгиб бўлмайдиган кучлар натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса (форс-мажор) томонлар бундан қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги учун жавобгарликдан озод этиладилар.

8.2 Агар енгиб бўлмайдиган кучлар ёки унинг оқибатлари бир ойдан кўп вақт чўзилса у ҳолда “Пудратчи” ва “Буюртмачи” ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

8.3 Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

IX. ШАРТНОМА БЕКОР ҚИЛИШ .

9.1 “Буюртмачи”

А) Ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати “Пудратчи”нинг айби билан узлуксизлиги таъминланмаганда, “Пудратчи” томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

9.2 “Пудратчи”

А) Ишларни бажарилиши “Пудратчи”га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра “Буюртмачи” томонидан сабабсиз тўхтатиб қўйилганда;

Б) “Буюртмачи” томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда.

Шартнома бекор қилинганда “Буюртмачи” ва “Пудратчи”нинг қўшма қарорига кўра тугалланмаган ишлар бир ой муддатда иккинчи “Қорхона”га берилади . “Буюртмачи” бажарилган ишлар қийматини “Пудратчи”га шартноманинг 5.1 бандига асосан расмийлаштирилган ҳолда тўлаш мажбуриятини олади.

В) Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

X. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ .

10.1 Шартномани бажаришда, уни ўзгартиришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалалар томонларнинг ўзаро келишувлари асосида

хал этилади, агар бундай келишувнинг имкони бўлмаса Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва уларга мувофиқ равишда қабул қилинган норматив актлар асосида судга муурожаат қилиш йўли билан хал қилинади.

XI. АЛОХИДА ШАРТЛАР .

11.1 Ушбу шартнома имзолангандан сўнг мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасида олдинги ёзма битимлар, оғзаки битимлар, ёзишмалар ва томонларнинг келишувлари ўз қучини йўқотади.

11.2 “Пудратчи” умумфойдаланувдаги автомобил йўллари ва ундаги сунъий иншоотларда, йўл бўлақларида ҳамда алохида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини “Буюртмачи”нинг ёзма рухсатисиз суб пудратчилардан ташқари бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

11.3 Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳолатлар амалдаги қонун ҳужжатлари асосида хал қилинади.

11.4 Мазкур шартнома бир хил юридик қучга эга бўлган икки нусхада тузилади.

11.5 Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ёки фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан Автомобиль йўллари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан молиялаштиришга ўзгартиришлар киритилганда ёки нарх наво оширилган тақдирда, шартноманинг шартларига тегишли ўзгартиришлар киритиш Қўмита ва Молия вазирлиги томонидан тасдиқлангандан сўнг қўшимча шартнома тузиш йўли билан амалга оширилади.

11.6 Ушбу шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Ғазначилик бошқармасида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганидан сўнг қонуний қучга қиради.

XII. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

«ПУДРАТЧИ»

«БУЮРТМАЧИ»


Бағдод туман йўллардан фойдаланиш
унитар қорхонаси
Манзил: Бағдод тумани
Тонготар қишлоғи
Тел./факс: 47-91-031
х/в: 22626000300223076001
Банк номи: ТИФ Миллий банк
Риштон филиали
МФО: 00946
СТИР: 200158422
ИФУТ: 51123

Фарғона вилояти Автомобиль йўллари бош
бошқармаси
Манзил: Фарғона шаҳар
Аэропорт кўчаси 1- уй
Тел./факс: 226-39-46; 226-36-55.
шғх: 304510860304017045162118001
Ташкилотнинг СТИРи: 200153714
ОКЭД: 84130
Фарғона вилоят ғазначилик бошқармаси
ЯҒХ: 23402000300100001010
Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент
шаҳар Бош бошқармаси ХККМ
МФО: 00014
Ғазначилик бўлинмасининг
СТИРи: 201122919
Бошқарма бошлиғи: О.Назиров



Директор:  Б.Аминов



Бошқарма бошлиғи:  О.Назиров

Ҳуқуқий ҳулоса.

Мен, ушбу шартномани ҳуқуқий экспертизадан ўтказдим. Мазкур шартномада қўрсатилган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг «Ҳужжатлиқ юристувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий –ҳуқуқий базаси туғрисида»ги Қонунга ва фуқоралиқ кодекси билан тартибга солинади ҳамда шартномада назарда тутилган тарафларнинг жавабгарлигини ва низоларни хал этиш юқорида зикр этилган қонунчилик талабларига мос қелади.

Ҳуқуқшунос  А.Солиев